



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2024 йил 13 ноябрь, № 233 (8856)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН УМУМИЙ ФАРОВОНЛИК ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ «ЯШИЛ» ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ОЧИҚ МУЛОҚОТ ВА АМАЛИЙ ШЕРИКЛИККА ДОИМ ТАЙЁР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 ноябрь куни Боку шаҳрида ўтаётган БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси Томонлари конференциясининг 29-сессияси (COP29) доирасидаги Жаҳон етакчилари саммитининг ялпи мажлисида нутқ сўзлади.



Тадбирда дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатларидан давлат ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари раҳбарлари иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом

Алиевни ушбу тарихий саммитни муваффақиятли ташкил этгани билан самимий табриклаб, Озарбайжоннинг бугунги иқлим таҳдидларига қарши курашиш мақсадида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича фаол сазъи-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

Президентимиз таъкидлаганидек, иқлим ўзгаришлари бугунги кунда асосий глобал таҳдидга айланиб, геоисёсий кескинликнинг кучайишига бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Камбағалликка қарши кураш, озиқ-овқат ва энергетик хавфсизлиқни таъминлаш, ичимлик

суви ва ресурслардан фойдаланиш муаммолари кучайиб бормоқда.

Иқлим ўзгаришларининг оқибатини Марказий Осиё ўткир ҳис қилмоқда.

Улар аҳолининг турмуш сифатини ошириш ва миллий тараққиёт стратегияларини рўёбга

чиқариш йўлида тўсиққа айланмоқда.

Париж келишувлари доирасида асосий мақсад — минтақада ҳаво ҳароратининг жадал ўсишига йўл қўймаслик, ушбу кўрсаткичларни жорий юз йилликда 1,5-2 даража атрофида сақлаб қолишдан иборат.



ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 ноябрь куни Боку шаҳрида ўтаётган БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича (COP29) конференцияси доирасида Европа кенгаши раиси Шарль Мишель, Финляндия Президенти Александр Стубб, Черногория Президенти Яков Милатович, Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо, Ислон тараққиёт банки президенти Муҳаммад бин Сулаймон ал-Жассир, Яшил иқлим фонди ижрочи директори Мафальда Дуэрте, Ислон дунёси таълим, фан ва маданият ташкилоти (ICESCO) бош директори Салим ал-Малик, Глобал ўзгаришлар институти раиси Тони Блэрни қабул қилди.



Европа кенгаши раиси Шарль Мишель билан учрашувда мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи билан кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги янги битимни тез фурсатда қабул қилиш, шунингдек, “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” форматидаги биринчи саммитга тай-

ёргарлик кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

Финляндия Президенти Александр Стубб билан учрашувда кўп қиррали Ўзбекистон — Финляндия ҳамкорли-



гини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Фаол сиёсий ва парламентлараро алоқалар мамнуният билан қайд этилди.

Янги иқтисодий кун тартибини

шақллантириш учун металлургия, электротехника, кимё, телекоммуникация ва бошқа соҳаларда саноат

кооперациясини ривожлантириш дастурини тайёрлаш таклиф этилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ БЎЙИЧА КОНФЕРЕНЦИЯСИ (COP29)ДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Авваламбор, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев Жаноби Олийларини бугунги тарихий Конференцияни гўзал Боку шаҳрида юксак даражада ташкил этгани билан самимий табриклаймиз.

Биз Озарбайжоннинг замонавий иқлим таҳдидларига қарши курашиш йўлида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича фаол сазъи-ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Хурматли саммит иштирокчилари!

Иқлим ўзгаришлари бугунги кунда асосий глобал таҳдидга айланиб бормоқда, геоисёсий зиддиятлар кучайишига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, камбағалликка қарши кураш, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги, сув ва ресурслардан фойдаланиш муаммоларини кучайтирмоқда.

Буларнинг асоратларини Марказий Осиёда

ўткир ҳис қилмоқдамиз. Иқлим муаммолари аҳолимизнинг турмуш сифатини ошириш ва миллий тараққиёт стратегияларини рўёбга чиқаришда янги тўсиққа айланмоқда.

Париж битими доирасидаги бош мақсадимиз — минтақада ҳаво ҳароратининг жадал ўсишига йўл қўймаслик ва жорий юз йилликда 1,5-2 градус атрофида сақлаб қолишдир.

Бу борада биз Ўзбекистонда углерод нейтраллигига эришиш бўйича кенг миқёсдаги ислохотларни қатъий олиб бораёмиз. 2030 йилгача ҳавога “иссиқхона газлари” чиқарилишини 35 фоизга камайтиришни режа қилганмиз. Бу мажбуриятни 2050 йилга қадар янада кенгайтиришга тайёрмиз.

“Яшил” энергетика улушини 40 фоизгача оширамиз. Электромобил ва “яшил” водород кластерлари, қуёш ва шамол генерация хабарларини яратяпмиз. “Яшил макон” дастуриймиз

доирасида кўламаздор ҳудудларни кескин кўпайтиряпмиз.

Қўшни мамлакатлар билан Минтақавий иқлим стратегиясини ҳаётга татбиқ қилмоқдамиз. Шу кунлари Европада “яшил” энергия етказиш бўйича кўп томонлама битимни имзолаймиз.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон глобал иқлим ўзгаришлари оқибатларини биргаликда бартараф этишда ўзининг амалий ҳиссасини кенгайтириш ниятида.

Биринчидан, ривожланаётган мамлакатларга иқлим хатарларини аниқлаш учун етакчи давлатлар ва халқаро институтларнинг техник кўмагини кенгайтириш долзарбдир.

Бу борада Иқлим туфайли йўқотиш ва зарарларни баҳолаш бўйича халқаро марказ таъсис этишни таклиф қиламиз.

Иккинчидан, трансчегаравий сув ресурслари ифлосланишининг олдини олиш ва барқарор биохилмаҳиллигини сақлашда ягона ёндашувлар зарур.

Минтақамиз мисолида айтиб ўтмоқчиманки, бир авлод кўз ўнгиде Орол денгизининг бутунлай йўқолиши сайёраимиз миқёсидаги фожиага айланди. Шу ўринда биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Дарё экотизимларининг бутунлиги ва экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлар тўғрисидаги декларацияни ишлаб чиқиш тарафдоримиз.

Учинчидан, кўп томонлама етакчи тузилмалар иштирокида ўсимликларнинг иқлим ўзгаришларига чидамиллигини ошириш учун Генетик ресурсларнинг минтақавий банкни ишга туширишни режа қилганмиз.

Денгизга чиқиш имкони бўлмаган давлат-

лар учун юртимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инновацион агросаноат хабини яратиш ташаббусини илгари сурамиз.

Тўртинчидан, иқлим ўзгаришларидан зарар кўраётган мегаполиси ва шаҳарларнинг барқарор ривожланиши бўйича илғор билим ва амалиётлар трансфери учун Жаҳон иқлим пойтахтлари альянсини ташкил этишни ва унинг биринчи форумини Тошкентда ўтказишни таклиф қиламиз.

Бешинчидан, келгуси йили 15 май — Халқаро иқлим кунини Оролбўйи минтақасида ўтказиладиган Рақамли “яшил” ташаббуслар глобал ёшлар фестивалида давлатларингиз вакиллари кутиб қоламиз.

Хурматли саммит иштирокчилари!

Ўзбекистон умумий фаровонлик ва “яшил” тараққиёт йўлида очик мулоқот ва шерикликка доим тайёр эканини яна бир бор таъкидлайман.

ЎЗБЕКИСТОН УМУМИЙ ФАРОВОНЛИК ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ «ЯШИЛ» ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ОЧИҚ МУЛОҚОТ ВА АМАЛИЙ ШЕРИКЛИККА ДОИМ ТАЙЁР

Бу борада Ўзбекистонда уг-лерод нейтраллигига эришиш бўйича кенг миқёсдаги ислохотлар олиб борилмоқда. 2030 йилгача ҳаво-га "иссиқхона гази" чиқаришни учдан бир қисмга камайтириш режа-лаштирилган. Бу мажбуриятлар 2050 йилга қадар янада кенгайтири-лади. "Яшил" энергетика улуши 40 фоизга етати.

Электромобиллар ва "яшил" водо-род ишлаб чиқариш кластерлари бар-по этилмоқда, кўйш ва шамол генера-цияси хаблари яратилмоқда. "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доира-сида кўкаламзор ҳудудлар кенгайти-рилмоқда.

Кўшни мамлакатлар билан бирга-ликда Минтақавий иқлим стратегияси амалга оширилмоқда. Шу кунларда Ев-ропага "яшил" энергия етказиб бериш-ни ташкил этиш тўғрисида кўп томон-лама битим имзоланади.

Глобал иқлим ўзгаришлари оқибат-ларини биргаликда енгиб ўтиш мақса-дида Ўзбекистон етакчиси қатор та-шаббусларни илгари сурди.

Жумладан, ривожланаётган мамла-катлар дуч келаётган иқлим хатарлар-ини танқидий таҳлил ва молиявий ба-ҳолаш учун етакчи давлатлар, кўп то-монлама институтлар ва конвенциялар-нинг техник ҳамда молиявий кўмагини кенгайтириш мақсадида Иқлим туфай-ли йўқотиш ва зарарларни баҳолаш бўйича халқаро марказ таъсис этиш тақлиф қилинди.

Атроф-муҳит ифлосланиши билан боғлиқ хатарларни қисқартириш, бар-қарор биохилмаҳиллик ва трансчега-

равий сув ресурслари масалаларида ягона ёндашувлар ишлаб чиқш зарур-лигини қайд этиб, давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Дарё экотизимларининг бутунлиш ва экологик хавфсизлигини таъминлаш соҳасида мажбуриятлар тўғрисидаги Декларацияни ишлаб чи-қиш ташаббусини илгари сурди.

Шунингдек, Ўзбекистонда ўсимлик-ларнинг иқлимга чидамлилигини оши-риш учун Генетик ресурсларнинг мин-тақавий банкни ҳамда денгизга чи-қиш йўлига эга бўлмаган мамлакатлар учун БМТнинг инновацион агросаноат хабини ташкил этиш тақлиф қилинди.

Иқлим ўзгаришларидан зарар кўраёт-ган мегаполис ва шаҳарларнинг бар-қарор ривожланиши, яшаш учун қулай шароитлар яратиш соҳасида тажриба ва билим, энг яхши амалиётлар транс-фери учун Жаҳон иқлим пойтахтлари альянсини ташкил этиш ҳамда унинг биринчи форумини Тошкентда ўтказиш ташаббуси билдирилди.

Президентимиз "COP29" мамлакат-лари вакилларини келгуси йили 15 майда — Халқаро иқлим кунида Оролбўйида ўтказиладиган Рақамли "яшил" ташаббуслар глобал фести-валида иштирок этишга тақлиф этиди.

Сўзининг якунида Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон умумий фаровонлик ва узоқ муддатли "яшил" тараққиёт йўлида очиқ мулоқот ва ама-лий шерикликка доим тайёр эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг Озарбайжон Республикасига ама-лий ташрифи давом этмоқда.

ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ УЧРАШУВЛАР

Шу маънода, 2025 йил ян-варь ойида Хельсинки шаҳри-да бўлиб ўтадиган Ҳукуматлараро ко-миссиянинг навбатдаги йиғилиши ва бизнес форумига пухта тайёргарлик кўриш муҳимлиги таъкидланди.

Таълим ва экология соҳасидаги ал-машинувларни мустаҳкамлаш, шу жумладан, БМТнинг Оролбўйи учун Траст жамғармаси фаолиятида Фин-ляндиянинг фаол иштирок этиши истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак олий даражадаги учрашув-лар режаси кўриб чиқилди.

Черногория Президенти Яков Ми-латович билан учрашувда сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва туризм соҳаларида ўзаро манфа-атли ҳамкорликни йўлга қўйиш маса-лалари муҳокама қилинди.

Иқтисодий кун тартибини ишлаб чиқиш учун Ҳукуматлараро комиссия тузиш ва унинг биринчи йиғилишини келгуси йилда Тошкент шаҳрида биз-нес форуми билан биргаликда ўтказ-иш тақлиф этилди.

Бундан ташқари, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва инвестицияларни ғимоя қилиш бўйича асосий битимлар тай-ёрланади, устувор йўналишларда са-ноат кооперациясини ривожланти-ришга доир "Йўл харитаси" ишлаб чи-қилади.

Бўлажак олий даражадаги учрашув-лар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Европа тикланиш ва тараққиёт бан-ки президенти Одиль Рено-Бассо би-лан учрашувда ушбу нуфузли халқа-ро молия институтини билан кенг қам-ровли ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Банкининг мамлакатимизга инвести-циялари 5 миллиард евродан ошгани алоҳида мамнуният билан қайд этил-ди. Ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекис-

тон банкнинг минтақамиздаги энг йирик ҳамкори ҳисобланади.

ЕТБнинг фаол иштирокида банк секторини хусусийлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда, ин-вестициялар ва ер қазирдан фойда-ланиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни тайёрлаш сифати ва самарадорлиги-ни ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон ва ЕТБ ўртасидаги ҳамкорлик стратегиясини амалга ошириш ва уни янада бойитиш му-ҳимлиги таъкидланди. Энергетика са-марадорлиги, кичик ва ўрта бизнес, аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳа ва инфратузилмада давлат-хусусий ше-риклик механизмларини жорий этиш, шунингдек, "яшил" шаҳарларни ри-вожлантириш соҳаларида янги лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш ҳам-корлиқнинг устувор йўналишлари си-фатида белгиланди.

Келгуси йилда Хорижий инвестор-лар кенгашининг навбатдаги йиғили-шини тайёрлаш ва ўтказиш юзаси-дан ҳам фикр алмашилди.

Ислом тараққиёт банки президенти Мухаммад бин Сулаймон ал-Жассир билан учрашувда ушбу етак-чи халқаро моливий институт билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ма-салалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Ислом тарақ-қиёт банки билан шериклик жадал ри-вожланиб бораётганини юқори баҳо-лади. Жорий йилнинг март ойида Тошкентда ислом дунёсининг етакчи молия институтлари иштирокида банк раҳбарлигидаги Араб мувофиқлашти-риш гуруҳининг йиғилиши муваффа-қиятли ўтказилди.

ИТБ билан лойиҳалар портфели

4 миллиард доллардан ошди, улар-нинг 40 фоизи хусусий секторга тўғри келмоқда.

Банк иштирокида ташкил этилган Ўзбекистоннинг иқтисодий имконият-ларини кенгайтириш бўйича қўшма жамғарма капитали изчил шакл-лантирилмоқда.

Таълим, соғлиқни сақлаш, инфра-тузилма, тадбиркорлик, экология со-ҳаларида янги лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш, хусусий инвестициялар-ни сафарбар этиш, банк тузилмала-рини лойиҳа ишларида фаол жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз саноати ва тоғ-кон тармоғидаги йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ИТБнинг иштироки юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Яшил иқлим фонди ижрочи дирек-тори Мафальда Дуэрте билан учра-шувда иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатишга қаратилган қўшма лойиҳа ҳамда дас-турларни амалга ошириш бўйича ҳам-корликни янада мустаҳкамлаш маса-лалари муҳокама қилинди.

Жамғарма томонидан Ўзбекистон-нинг тегишли ташкилотлари салоҳи-ятини ривожлантириш ва миллий мос-лашув режаларини ишлаб чиқишга кўмак кўрсатилаётгани юқори баҳо-ланди.

Ҳозирги кунда қўшма лойиҳалар портфели 160 миллион долларни ташкил этиб, сув ресурсларини боқариши, "яшил" энергетикани ри-вожлантириш, "яшил" молиялашти-риш ва бошқа бир қатор устувор йўналишларни қамраб олган. Бундан ташқари, 5 миллиард долларлик ик-ита минтақавий ва 500 миллион дол-ларлик учта миллий лойиҳа ишлаб чи-қилмоқда.

Инновацион кўкаламзорлаштириш ва ерларни барқарор бошқариш, Оролбўйидаги ижтимоий-экологик ва-зиятни яхшилаш дастурларини амал-га ошириш орқали шерикликни яна-да кенгайтиришга келишиб олинди.

Ислом дунёси таълим, фан ва маданият ташкилоти (ICESCO) бош директори Салим ал-Малик билан учрашувда амалий ҳамкорликни кен-гайтириш ва қўшма гуманитар лойи-ҳаларни илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

ICESCO билан ҳамкорлик бўйича миллий комиссияни тезроқ тузиш му-ҳимлиги қайд этилди.

Глобал ўзгаришлар институти раиси Тони Блэр билан учрашувда Ўзбекистон — Британия муносабат-ларини янада ривожлантириш истиқ-боллари, шунингдек, Глобал ўзгариш-лар институти билан амалий ҳамкор-ликни йўлга қўйиш масалалари муҳо-кама қилинди.

Буюк Британиянинг собиқ бош ва-зири янги Ўзбекистонда амалга оши-рилаётган кенг кўламли ва орта қайтмас ислохотлар дастурини юксак баҳолаб, уларни амалга оширишда эксперт-маслаҳат кўмагини тақлиф этишга тайёригиларини билдирди.

Институт билан биргаликда транс-порт йўлакларини ривожлантириш, янги бозорларга чиқиш, халқаро тўлов тизимларини жорий этиш, инвести-ция сисёати самарадорлигини оши-риш ва бошқа соҳалар ҳамкорлиқнинг устувор йўналишлари сифатида қайд этилди.


Шерикликнинг аниқ йўналишлари-ни белгилаб олиш учун тегишли идо-ралар экспертлари даражасида қўшимча учрашувлар ўтказишга кели-шиб олинди.

ЎЗА.

Акс садо

ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРГА АМАЛИЙ ЕЧИМ

Маълумки, дунё етакчилари иқлим ўзгариши билан боғлиқ долзарб муаммоларни муҳокама қилиш учун йилига бир марта йиғилади. Бу бежиз эмас. Чунки бу борада ўз вақтида чоралар қабул қилинамаслиги ва атмосферада "иссиқхона газлари" миқдорининг бундан кейин ҳам кўпайиши иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларига олиб келиши мумкин. Кеча Озарбайжон пойтахти Бокуда бўлиб ўтган навбатдаги саммитнинг биринчи кунида асосий эътибор глобал иссиб билан боғлиқ вазиятга қаратилгани ҳам ушбу масаланинг долзарблигини кўрсатади.



Шавкат Мирзиёев

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг тақлифига биноан Боку шаҳрига амалий ташрифи давомидда БМТ Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси Томонлари конферен-циясининг 29-сессияси (COP29) тадбирларида иштирок этиб, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш бўйича бир қатор конструк-тив тақлифларни илгари сурди.

Шу ўринда айтиш кераки, ўтган даврда иқлим ўзгариши билан боғ-лиқ ортб бораётган глобал та-ҳдидларнинг олдини олишга жи-ддий эътибор қаратилди. Жумладан, Париж битими қабул қилинди. Янги келишувнинг асосий қирраларидан бири ривожланган давлатлар бил-лан бир қаторда тараққий этаёт-ган мамлакатлар ҳам ташламалар микдорини камайтириш мажбури-ятини олиши белгилан қўйилди.

Мамлакатимизда ҳам атроф-му-ҳитни муҳофазга қилиш, аҳоли са-ломатлигини сақлаш, экологик хавфсизлигини таъминлаш, иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммо-ларни самарали ҳал этиш, Париж битими бўйича Ўзбекистон Респу-бликаси томонидан қабул қилинган мажбуриятларни ўз вақтида амал-га ошириш борасида муайян иш-лар бажарилмоқда. Энг аввало, со-ҳага доир қатор қонунлар қабул қилинди. Янги таҳрирдаги Консти-туциямизда эса экологик масала-лар, жумладан, фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари кафолатланди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 23 июлдаги "Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти ҳузурида Иқлим кенгашини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони иқлим ўзга-риши билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал қилишга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди. Зеро, у би-лан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида иқлим ўзга-риши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш масалалари бўйи-ча энг юқори маслаҳат органи — Иқлим кенгаши асос солинди.

Мамлакатимизда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган савй-ҳара-катлар натижасида шаҳарларимиз-га, маҳаллаларимизга фэйз бағиш-ловчи яшилликка бурканган янги яшил ҳудудлар барпо этилмоқда. Бу, шубҳасиз, юртимиз иқлимини муътадил сақлашга, пировардида она табиятни асраш, аҳоли сало-



Шавкат Мирзиёев

матлигини яхшилашга хизмат қилляпти.

Ўзбекистон иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва Марказий Осиё экотизимларини ғимоя қилишга қаратилган халқаро экологик та-шаббусларда ҳам фаол қатнашиб келяпти. Айниқса, давлатимиз раҳ-бари томонидан илгари сурилаёт-ган долзарб ташаббуслар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани эътибор-га молик. Хусусан, ўтган йили Дубай шаҳрида ўтказилган "COP28" конференциясида Париж шартномаси доирасида Иқлим ўзгаришига мослашиш соҳасида-ги Глобал ҳадли механизм юзаси-дан тезроқ келишиш тарафлари эканлиги айтилиб, Марказий Осиё иқлим мулоқоти платформасида Адаптация стратегияси ишлаб чи-қилаётгани билдирилган эди.

Ўтган давр мобайнида ушбу та-шаббус самарали амалга оширил-ди. "Марказий Осиёда иқлим ўзга-ришига мослашиш бўйича минта-қавий стратегия" Германия ҳуку-матининг "Яшил Марказий Осиё" ташаббуси кўмағида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркме-нистон ва Ўзбекистон давлатлари томонидан ишлаб чиқилди. "Мар-казий Осиё иқлим мулоқоти плат-формаси" тегишли вазирлар ва ва-зи ўринбосарларидан иборат юқори даражадаги гуруҳ сифати-да шакллантирилди.

Президентимиз "COP28"да иқлим ўзгаришига қарши курашда илм-фан ютуқларидан кенг фой-даланиш лозимлигига ургү бериб, Тошкентдаги "Яшил университет" негизида "Иқлим илмий форуми (резиденцияси)"ни ташкил этиш ва унинг доирасида ер деградация-си, сувдан фойдаланиш, озёқ-ов-қат хавфсизлиги муаммоларини ўрганиш ташаббусини илгари сур-ганди. Орадан бир йил ўтиб ушбу

ташаббус ҳам ҳаётга самарали тат-биқ қилинди.

Шу билан бирга, бугунги кунда глобал миқёсда кам углеродли иқтисодиётга ўтиш, БМТ резолю-цияси асосида Оролбўйи эколог-ик офат зонасини "инновациялар, технологиялар ва янги имконият-лар минтақаси"га айлантириш ва бу ерда Иқлим технологиялари халқаро экспло-ҳабини яратиш та-шаббусини ҳаётга изчил татбиқ этиш бўйича амалий савй-ҳаракат-лар олиб борилмоқда.

Боку саммити доирасида ҳам глобал иқлим ўзгаришлари оқибат-ларини биргаликда енгиб ўтиш мақсадида бир қатор ташаббус-лар илгари сурилди. Хусусан, дав-латимиз раҳбарининг иқлим туфай-ли йўқотиш ва зарарларни баҳо-лаш этиш ҳақидаги тақлифи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу, ўз навба-тида, ривожланаётган мамлакатлар дуч келаётган иқлим хатарларини танқидий таҳлил ва молиявий ба-ҳолаш учун етакчи давлатлар, кўп томонлама институтлар ва конвен-цияларнинг техник ва молиявий кўмагини кенгайтиришга туртки бе-ради.

Иқлим ўзгаришларидан зарар кўраётган шаҳри азим ва ша-ҳарларнинг барқарор ривожла-ниши, яшаш учун қулай ша-роитлар яратиш соҳасида таж-риба ва билим, энг яхши ама-лиётлар трансфери учун Жаҳон иқлим пойтахтлари альянсини ташкил этиш ҳамда унинг би-ринчи форумини Тошкентда ўтказиш ташаббуси ҳам эъти-борга моликдир. Бу эса эколог-ик барқарорликни таъминлаш, аҳолининг қулай табиий муҳит-да ҳаёт кечирishi учун барча за-рур шарт-шароитни яратиш, экологик вазиятни яхшилаш ва қулай экологик ҳолатни барқар-ор сақлашга хизмат қилади.

Саммитда илгари сурилган тақлиф ва ташаббуслар Ўзбекис-тоннинг "яшил" ўсиш ва ривож-ланишга содиқлигини, иқлим ўзгариши оқибатларини юм-шатиш бўйича савй-ҳаракатлар-ни бирлаштиришга тайёрлиги ҳамда БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича ҳадли конвенцияси, Кио-то протоколи ва Париж келишув-и мақсадларига эришиш бора-сида ўз зиммасига олган мажбу-риятларни тўлиқ бажаришдан яқол далолат беради. Айни вақт-да нафақат мамлакатимиз ва минтақамиз, балки бутун дунёда глобал тусдаги долзарб муаммо-ларни бартараф этиш, экологик хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш, иқлим ўзгаришлари-нинг олдини олиш ва унга мос-лашиш имконини беради.

Хайрулло ҒАҒОФОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикери ўринбосари.

ДУНЁ ЭЪТИБОРИДАГИ ТАШАББУСЛАР

Яқин Шарқда тинчлик, барқарорликни таъминлашга хизмат қилади

Ўзбекистон халқаро майдонда содир бўлаётган қуролли тўқнашувларга нисбатан доимо тинчликпарвар ва нейтрал позицияни сақлашга интилиб, можароларни тинч ва мurosали мулоқот орқали ҳал қилиш ташаббусини илгари суриб келмоқда. Тинчликпарварлик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва халқаро хавфсизлиқни мустаҳкамлашга қаратилган бу позиция ҳар қандай можарода, асосан, дипломатик йўлар орқали ечим топиш мақсадини ўзида муҳассам қилгани билан муҳим аҳамиятга эга. Бу мамлакатимизнинг ташқи сиёсатида белгиланган очиклик ва дўстона алоқалар таъминланишига мос жиҳат ҳисобланади. Шу орқали Ўзбекистон нафақат ўз минтақасида, балки кенг халқаро майдонда ҳам барқарорликка хизмат қиладиган қуч сифатида танилиб бормоқда.



Яқин Шарқда тинчлик, барқарорликни таъминлашга хизмат қилади

Куни кеча Саудия Арабистонида Ғазо ва Ливандаги вазиятнинг кес-кинлашуви ҳамда Яқин Шарқдаги можарога тез ғурсатда ечим то-пиш чораларини ишлаб чиқишга ба-ғишланган навбатдан ташқари араб-ислом саммити бўлиб ўтди.

Унинг асосий мақсади, аввало, Яқин Шарқ минтақасида барқарор-лик ва тинчликни таъминлашдир. Шу боис иштирокчилар томонидан Фаластин — Исроил можаросини сиёсий ва дипломатик йўл билан ҳал қилиш ташаббуслари қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, Яқин Шарқдаги мо-жаро оқибатида жабр кўраётган аҳолига ёрдам кўрсатиш ҳамда уларга зарур гуманитар кўмак ет-казиш учун халқаро миқёсда ёрдам-ни қучайтириш масаласи бўйича му-ҳокамалар ўтказилди. Бу, айниқса, Ғазо сектори ва Ливан ҳудудида қийинчиликларга дуч келаётган аҳолининг эҳтиёжини қондирish учун муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, можароларга қарши умумий позиция ва бирдам-ликни таъминлаш орқали мусулмон давлатларининг глобал сиёсий май-донда таъсирини ошириш мақсад қилинган.

Саммит иштирокчилари халқаро ҳамжамиятни бу можарога нисба-тан тенг ва адолатли ёндашишга ундаш ҳамда икки хил стандартлар-га қарши туришни тақлиф қилиб, бу орқали глобал хавфсизликка таҳ-дидларни камайтириш мумкинлиги қайд этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ушбу анжумандаги иштироки ва нутки, аввало, Ўзбек-истоннинг барқарорлик ва тинч-ликни қўллаб-қувватлашдаги қатъ-ий позициясини кўрсатади. Шу жи-ҳатдан Ўзбекистон ушбу ҳудудда тинч ва хавфсиз муҳитни яратиш тарафдори бўлиб келмоқда.

Саммитда Ўзбекистон ислом дунёси билан ҳамжиҳатликда Яқин Шарқ муаммоларини ҳал қилиш ва минтақа халқларининг хавфсиз яшаш ҳуқуқини қўллаб-қувватлади. Хусусан, давлатимиз раҳбари ўз нут-қида мазкур кўп йиллик низои ҳал этиш, халқлар ўртасида тинчлик ўрнатиш, гуманитар ёрдам



Яқин Шарқда тинчлик, барқарорликни таъминлашга хизмат қилади

кўрсатиш, ноёб тарихий-маданий ёдгориюларнинг дахлсизлигини таъминлаш ҳамда уларни бешиқат сақлаб қолиш масалалари бўйича аниқ ташаббусларни илгари сурди. Унда Ўзбекистоннинг халқаро май-дондаги роли, минтақавий тинчлик ва хавфсизликка қаратилган пози-цияси кўрсатиб берилди. Бу ушбу масалаларга амалий ёндашув ва сиёсий ҳамкорлик орқали Ўзбекис-тон бутун мусулмон дунёсининг би-рлигини таъминлашга интилаётгани-ни ифода қилади. Ўз навбатида, бу гагли саммитда ҳам Ўзбекистон тинч-ликка эришиш йўлида иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш лойиҳалари-га алоҳида эътибор қаратди.

Президентимизнинг араб-ислом саммитидаги иштироки Ўзбекистон-нинг минтақавий барқарорлиқни таъминлашдаги фаол ташаббуслари-ни яна бир бор тасдиқлайди. Яқин Шарқдаги ижтимоий ва сиёсий тангликка ҳал этувчи дип-ломатик ечимлар ишлаб чиқишга қаратилган савй-ҳаракатлар доира-сида Ўзбекистон тинчлик ва хавф-сизликнинг асосий омилларидан бири сифатида минтақа манфаат-ларини ғимоялашни мақсад қилган. Бу эса мамлакатимизнинг халқаро сиёсатдаги нуфузини оширади ва узоқ муддатли барқарорликка за-мин яратади.

Мамлакатимиз умумий аҳолиси тахминан 1,9 миллиард кишини ташкил этувчи Ғазо давлатни бирлаштирган Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа минтақавий идоралар орқали жараёнда фаол иштирок этиб, минтақавий ва халқ-аро хавфсизликка ҳисса қўшиб келмоқда. Бу каби халқаро анжу-манлар қатнашчиларга нафақат

зиддиятларни бартараф қилиш йўллари миҳокама этиш, балки ислом дунёсининг ягона ва қучли позициясини шакллантириш имко-нини беради.

Алоҳида қайд этиш жоизки, ушбу нуфузли халқаро тузилма ҳозирги замон хатарлари шароитида ислом қадриятларини асраб-авайлаш, му-сулмон халқлари ўртасида ҳамжи-ҳатлик ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин ту-тади. Бугунги кунга келиб ИХТ мам-лакатлари жами ялпи ички махсу-лот 7 триллион АҚШ долларига яқинлашиб, глобал иқтисодиётнинг асосий қисмини ташкил этади.

Ўзбекистон ИХТга 1996 йилда аъзо бўлганидан буён ташкилот би-лан савдо-иқтисодий, илмий, ма-даний ҳамкорлик изчил ривожла-ниб бормоқда. Амалий ҳамкорлик натижасида мамлакатимиз илгари сураётган лойиҳа ва дастурлар хар томонлама қўллаб-қувватланиб, ИХТ мамлакатлари туризм вазир-лиги томонидан Хива шаҳри 2024 йилда "Ислом дунёсининг ту-ризм пойтахти" деб эълон қилинди.

Биламизки, Ислом ҳамкорлик ташкилоти Яқин Шарқдаги низола-рга, айниқса, Фаластин — Исроил можаросига ечим топишда муҳим роль ўйнайди. ИХТнинг вазифаси, аввало, мусулмон давлатларини умумий манфаат ва қадриятлар асосида бирлаштиришдир. У БМТ каби глобал ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб, халқаро майдон-да мусулмон давлатларининг пози-циясини ифодақлайди ва низола-рни тинчлик йўли билан ҳал этишни тарғиб қилади.

ИХТ доирасида Яқин Шарқдаги вазият бўйича махсус йиғилиш ва саммитлар уюштирилаётгани, улар-да можарони сиёсий ва диплома-тик йўл билан ҳал этиш тақлифла-ри муҳокама қилинаётгани фикри-миз исботидир. ИХТ давлатлари Фаластин халқининг мустақиллик ва ҳуқуқлари учун овоз беради, икки давлат ечимини қўллаб-қувватлай-ди ва халқаро резолюцияларнинг бажарилишини талаб қилади.

Можаролар оқибатида жабр қўрган аҳолига ёрдам кўрсатиш, озёқ-овқат, тиббий воситалар ва бошқа гуманитар кўмаклар етказиб беришда ҳам ташкилотнинг роли катта. Бу ёрдам халқаро ҳамжамия-ятнинг эътиборини қаратишга ёрдам беради ва минтақадаги инсонпарварлик инкирозларини енгилаштиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Умуман олганда, Яқин Шарқ мо-жаросини тинч йўл билан ҳал этиш кўп қиррали ёндашув ва халқаро ҳамкорликни талаб қилади. Можаро ечим сифатида тақлиф этил-ган энг асосий вариантлар ва ёнда-шувлар қуйдагилардан иборат:

икки давлат ечими халқаро ҳам-жамият ва БМТ томонидан энг кўп қўллаб-қувватланади. Унга кўра 1967 йилдаги чегаралар асосида, пойтахти Шарқий Қуддус бўлган мустақил Фаластин давлати та-шк қилиниши тақлиф этилади. Икки давлат ечими орқали Фаластин ва Исроил ўзига тегишли ҳудудларда суверенитетга эга бўлади, бу эса тинчлик ўрнатишнинг асосий қафо-лати сифатида қаралади.

Бу, ўз навбатида, Исроил ва Фа-ластин раҳбарлари ўртасидаги бе-восита мулоқот ва музокараларни талаб қилади. Музокараларда че-гара, Қуддуснинг мақоми, қочқин-лар ҳуқуқлари ва хавфсизлик каби муҳим масалаларни ҳал этиш кўзда тутилган бўлиб, халқаро ташкилот-лар, хусусан, БМТ, Европа Итти-фоқи ва Иордания каби давлатлар томонидан қўллаб-қувватланади;

можаро ҳудудида халқаро хавф-сизлик миcсияларини ташкил қилиш орқали можарони тўхтатиш имкониятлари ҳам тақлиф этилмоқ-да. Бу усулда БМТ ёки бошқа халқ-аро ташкилотларнинг тинчликпар-вар қучлари ўзаро ишончни муста-ҳкамлаш ва тинчлик жараёнини кузатиш вазифасини бажариши мумкин. Хусусан, Ғазо ҳудудида хавфсиз гуманитар йўлакларни очиш ва аҳолига зарур ёрдам кўрсатиш учун халқаро қучларнинг иштироки зарур, деб ҳисоблан-моқда;

араб давлатлари, хусусан, Сау-дия Арабистони ва Миср каби дав-латлар Исроил билан мулоқотда Фаластин манфаатларини ғимоя қилиш учун дипломатик ташаббус-ларни давом эттиришни тавсия қил-моқда. Бу жараёнда Араб давлат-лари Исроил ва Фаластин ўртаси-даги можарони тўхтатиш учун во-ситачилик қилиш орқали муҳим роль ўйнаши мумкин;

Фаластин аҳолисининг иқтисо-дий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этиш орқали можарони юм-шатишга уриниш ҳам амалий ечим-лардан бири ҳисобланади. Бунга халқаро донорлар ва минтақавий ташкилотлар томонидан ёрдам кўрсатиш, инфратузилмани ривож-лантириш ва таълимга эътибор қаратиш киритилади. Бу ечимлар Яқин Шарқда узоқ муддатли тинч-лик ва барқарорлиқни таъминлаш учун имконият яратади. Лекин мо-жарони ҳал қилиш йўлида ҳар икки томоннинг ҳам конструктив ва бир-бирига нисбатан баргикенг ёнда-шуви, халқаро ҳамжамиятнинг эса узлуқсиз ёрдам ва назорати талаб этилади.

Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати, иқтисодиёт
фанлари доктори, профессор.

ИЖТИМОЙ СОҶА
ФАОЛЛАРИ — ШОҲСУПАДА

Кеча Олий Мажлис Сенати томонидан ўтказилган “Энг яхши ижтимоий ташаббус” кўрик-танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Танлов

Қайд этилганидек, ушбу танловдан кўзланган мақсад давлат идоралари, нодавлат сектор ва фуқаролар томонидан ижтимоий ташаббусларни дадил илгари суриш, амалга оширилишини фаоллаштириш ва рағбатлантиришдан иборат.

Кўрик-танловни ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси томонидан 12 та ҳудудда юқори натижаларга эришган, жамият ривожига йўлида ташаббус кўрсатган 50 иштирокчи орасидан 5 та номинация бўйича 1, 2, 3-ўринлар эгалари аниқланди.

Хусусан, танлов натижаларига кўра “Энг яхши ижтимоий ташаббускор

тадбиркорлик субъекти” номинациясида 1-ўринни Пахтакор туманидаги “Семурғ” уруғчилик кластери (Жиззах вилояти), 2-ўринни Бухоро шаҳридаги “Ахмедов Avtogaz Service” масъулияти чекланган жамияти ва 3-ўринни Бекобод шаҳридаги “Hoji-Zuhra ona” оилавий корхонаси (Тошкент вилояти) эгаллади.

“Энг яхши ижтимоий ташаббускор нодавлат ноижорат ташкилоти” номинациясида 1-ўринни Бухоро тумани ногиронлар жамияти, 2-ўринни Жиззах вилояти “Истиқболли авлод” ижтимоий ахборот маркази ва 3-ўринни Навоий вилояти “Лидер” аёллари ва болалар маркази қўлга киритди.

“Энг яхши ижтимоий ташаббускор давлат бошқарув органи” номинациясида

да 1-ўринни Нукус шаҳридаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази, 2-ўринни Самарқанд вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва 3-ўринни Ёшлар ишлар агентлиги Боёвут тумани бўлими (Сирдарё вилояти) эгаллади.

“Энг яхши ижтимоий ташаббускор фуқаро” номинацияси бўйича 1-ўрин Адхамжон Жўраевга (Сирдарё вилояти), 2-ўрин Равшанбек Собировга (Хоразм вилояти) ва 3-ўрин Муҳаммадали Қамбаровга (Наманган вилояти) насиб этди.

Бундан ташқари, “Энг яхши ижтимоий ташаббускор ҳокимлик” номинациясида 1-ўринни Самарқанд вилояти Иштихон тумани ҳокимлиги, 2-ўринни Андижон вилояти Бўстон тумани ҳокимлиги, 3-ўринни Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ҳокимлиги эгаллади.

Кўрик-танлов ғолиблари эсдалик совғалар билан тақдирланди.

«Халқ сўзи»

БЮДЖЕТ ИНСОН
МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАЙДИ

Аввал хабар берилганидек, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.

Қонунчилик палатасида



Кеча Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан уюштирилган йиғилишда қонун лойиҳаси соҳалар бўйича атрофлича муҳокама қилинди.

Соғлиқни сақлаш соҳасига келгуси йилга мўлжалланган Давлат бюджет

жети лойиҳасида 41,3 трлн. сўм маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган. Ушбу маблағлар Давлат бюджети жами харажатларининг 12 фоизини ташкил этиши депутатлар эътиборида бўлди.

Соҳага ажратилган маблағлар 2024 йилдаги нисбатан 6,8 трлн. сўмга ёки 20 фоизга кўплиги, соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат дастурларини молиялаштириш учун 2024 йилда 2,8 трлн. сўм, яъни маблағлар ажратилиши назарда тутилгани халқ вакиллари томонидан ижобий баҳоланди.

Муҳокамада депутатлар дори воси-

талари, тиббий буюмлар, вакцина ва бакпрепаратлар харидига ажратилаётган маблағлар бўйича ўз фикр ҳамда муносабатларини билдирди.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари тиббиёт муассасалари тиббий суғурта тизимига ўтказилиши билан боғлиқ масалалар, хусусан, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси фаолияти бўйича тақлифлар билдирилди.

Депутатлар 2025 йилда Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига ажратилиши режалаштирилган бюджет маблағлари бўйича қўшимча маълумот тақдим этилишини тақлиф қилди.

Айни пайтда қонун лойиҳаси концепцияси муҳокамасига бағишланган йиғилишлар давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

«NAVOIYAZOT» РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧДА
ҚУДРАТЛИ КОРХОНАГА АЙЛАНМОҚДА

Бугун миллий иқтисодиётимизнинг барча устувор тармоғида давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган инвестициявий дастурлар, инновацион лойиҳалар, технологик янгиланишлар, энг аввало, мамлакатимиз қудратини янада ошириш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, эртанги кунга ишончини мустақамлашга қаратилган. Мазкур ислохотлар натижаларини “Navoiyazot” АЖ фаолияти мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин.

Ўтган асрнинг 60-йилларида бунёд этилган ушбу корхона Россия, Чехия, Руминия каби мамлакатларнинг машинасозлик заводларида ишлаб чиқилган, ўз замонасининг илгор дастгоҳлари билан жиҳозланган эди. Унинг қад ростлашида собиқ иттифоқ ҳудудида юқори нуфузга эга ўндан ортиқ лойиҳалаштириш ташкилотларининг қатнашганлиги ҳам “Navoiyazot”нинг минтақавий аҳамиятини ифода этади.

тага қисқартирилди ҳамда 122 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, корхонада бир вақтнинг ўзида умумий қиймати 1,5 млрд. АҚШ доллари бўлган учта замонавий кимё мажмуаси ишга туширилди. Хусусан, умумий қиймати 985,7 млн. АҚШ долларидан зиёд бўлган аммиак ва карбамид ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ушбу мажмуаларнинг ишга туширилиши натижасида акциядорлик жамиятининг энергия сарфи юқори бўлган 1 ва 2-аммиак цехлари фойдаланишдан чиқарилди.

Япониянинг “Mitsubishi Heavy Industries, Ltd”, “Mitsubishi Corporation” компаниялари консорциуми кўмағида барпо этилган ушбу мажмуада 491 та янги иш ўрни яратилди. Унинг фойдаланишга топширилиши натижасида республика ички бозорининг азотли ўғитларга бўлган талаби тўлиқ қаноатлантирилиб, ишлаб чиқарилган карбамид маҳсулотини Марказий Осиё давлатлари ҳамда Афғонистон, Туркия, Озарбайжон, Украина, Грузияга экспортга йўналтириш имкониятлари янада ошди.

— Ушбу лойиҳалар “Navoiyazot”да маҳсулот ишлаб

ҳажми 6 марта, товар маҳсулотлари ҳажми эса 4 карра ошиб, экспорт географияси кун сайин кенгаймоқда.

Энг муҳими, лойиҳаларни амалга оширишда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг тегишли хулосалари олиниб, атмосферага чиқариладиган чиқиндилар бўйича меъёрлар белгиланган. Италия, Дания, Швейцария, Япония, Хитой ва бошқа бир қатор илгор мамлакатларда ишлаб чиқарилган ушбу дастгоҳлар атроф-муҳитга ташланаётган зарарли чиқиндилар ва моддаларни қатъий назорат қилиб, меъёрдан зарарча оғишда огоҳлантириш сигналли беради.

— Аммиак ва карбамид олишнинг 60-йиллар технологиясида ҳам ишлаганман, — дейди мазкур ишлаб чиқариш мажмуаси бошлиғи Ҳусен Саидов. — Ҳар икки технология принцип жиҳатдан бир хил бўлса ҳам уларда инсон омилига эътибор



истеъмолчиларга жўнатилмоқда. Корхонанинг йиллик даромади 2020 йилдаги нисбатан қарийб уч баравар ошиб, 5,9 трлн. сўмни ташкил этади. Энг муҳими, 1 млн. сўм қийматдаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланаётган энергия миқдори ўтган давр мобайнида табиий газда 17, электр энергиясида 18 фоиз камайтирилиб,

хоналарни “шатакка олиш” вази-фаларини кўяр экан, энг аввало, корхонанинг тажрибали мутахассислари ҳамда илмий салоҳиятини инобатга олганлиги, шубҳасиз. Мазкур вазифалар ихросининг ҳар бирига тўхталиш имкони чегараланганлиги боис уларнинг айрим-ларига эътибор қаратмоқчимиз. Хусусан, маҳаллийлаштириш ва импортни қисқартириш йўналишида корхона ўз импорти ҳажмини 60 фоизга, бошқа тармоқ корхоналарида эса қарийб 280 млн. АҚШ доллариغا қисқартирди. Шунингдек, яқин истиқболдаги қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш ҳисобидан корхонада фаолият юритаётган бугун ишлаб чиқариш бўйича 8 та цех фаолияти тўхтатилиб, электр энергияда харажатлар 50 фоизга қисқартирилса, бугунда нолга туширилади.

— Мамлакатимиздаги “шатакка олувчи” ўндан ортиқ корхоналар билан кооперация йўли орқали зарур материаллар ҳамда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилиши таъминланмоқда, — дейди корхона бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Алишер Мирзаев. — Бунинг натижасида кимё йўналишида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар доирасида “маҳаллий контент” яратилиб, қурилиш ишлари юз фоиз улар томонидан бажарилса, лойиҳалаштириш ва асбоб-ускуналар тайёрлаш ишлари уч баравар оширилди.

Бугун “Navoiyazot” АЖ ҳудудини улкан қурилиш майдонига қийс-лаш мумкин. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ ўнлаб умидбахш лойиҳалар қаторида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари уддаланиб, биргина жорий йилнинг ўзида корхона атрофида 132 минг туп дархат ниҳоли ўтказилди. Бу ўтган йилдаги нисбатан икки ярим ҳисса кўп, демакдир. Дарвоқе, сўз атроф-муҳит мусоффолиги хусусида кетар экан, бугун “Navoiyazot”да атмосферага ташланаётган ҳавонини ифлослантирувчи ташламалар миқдори 1021,6 минг тоннани ташкил этиб, 2022 йилдаёқ у рўқсат этилган меъёрга келтирилганини таъкидлаш жоиз. Албатта, бу янгиланишларнинг барчаси кимёгарлар руҳиятида ўз аксини топиб, улар арафадаги корхона юбилейини хуш қайфиятда қутиб олишмоқда.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

Янги қувватлар

ИШОНЧНИНГ
ҚАЙТИШИ

Корхона минтақадаги аграр соҳа ва кончилек саноати учун қанчалик муҳим бўлмасин, чиқинди газлари билан атмосфера ва атроф-муҳит тозаллигига, шу атрофдаги аҳоли саломатлигига таҳдид солиб келарди. Хусусан, 2008 йилдаги тадқиқотлар атмосферага ташланаётган 50 турдаги ифлослантирувчи моддаларнинг учдан икки қисми айнан шу корхона ҳиссасига тўғри келишини кўрсатди, бунда эксплуатациядаги ускуналарнинг техник ва маънан эскирганлигининг ҳам ўз ўрни бор.

Қолаверса, ушбу дастгоҳларнинг 87 фоизи ўз хизмат муддатларини ўтаб бўлганлиги ҳамда технологик жараёнларда катта энергия талаб этганлиги маҳсулот таннархини ошириб, найинки ташки, балки ички бозорда ҳам ўз позицияларини бой бера бошлади. Маҳсулотларнинг 85 фоизини ташкил этувчи минерал ўғитлар омборларда туриб қолар, корхона ишчи-хизматчилари эса 6-7 ойлаб маош ололмасди. Натижада юқори малакага эга бўлган технолог-мутахассислар турли соҳаларга ўтиб кета бошлашди.

— Айниқса, 2015 йил корхонамиз учун ниҳоятда қийин кечди, — дейди корхона фахрийси Толиб Саидов. — Нуқул омборга ишлардик, ойлик маош йўқ. “Завод ёпилармиш”, деган гап-сўзлар тарқаб, одамларни эртага нима бўларкан деган тахлика босган эди.

Уша кезларда мамлакатимиз Бош вазири корхонамизга келиб, “Navoiyazot”нинг юртимиз иқтисодиётида тутган ўрнини алоҳида таъкидлади. Барча куч корхонани на-

фақат сақлаб қолиш, балки технологик жиҳатдан янгилашга сафарбар этилишини ва унинг аниқ иқтисодий асосларини тушунириш, вазифалар белгилади. Одамларга ишонч қайтди.

ТАНЛАШ
ИМКОНЯТИ

Президент Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятига дастлабки ташрифи чоғидаёқ “Navoiyazot” АЖда модернизация ишларини жадаллаштириш, техник ва технологик янгиланиш олис истиқболни инобатга олган ҳолда уддалаш лозимлигини таъкидлаган эди. Шу асосда 2017 йил 24 июлда “Navoiyazot” АЖда инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилиниб, кенг кўламлиги имтиёзлар асосида учта самарадор лойиҳани муваффақиятли бажариш чоралари белгиланди.

— Корхонамизда йилига 100 минг тонна поливинилхлорид (ПВХ), 75 минг тонна каустик сода, 300 минг тонна метанол ишлаб чиқариш қувватларига эга янги мажмуа ўз фаолиятини бошлади, — дейди “Navoiyazot” АЖ бошқаруви раиси Фарруҳ Самадов. — Азот кислотаси тайёрлаш бўйича эски 1 ва 2-навбатлар эксплуатациядан чиқарилиб, техник иқтисодий асосларга мувофиқ умумий қиймати 216,6 миллион АҚШ доллариға тенг ишлаб чиқариш объекти Швейцариянинг “CASALE SA” компанияси билан ҳамкорликда бунёд этилди. Бу ерда йилига 500 минг тонна азот кислотаси тайёрланиб, эски технологияга нисбатан энергия сарфи 18 мар-

“Таъкидлаш жоиз, республикаимиз кимё саноати илгари, асосан, қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, унинг улуши тармоқда қарийб 80 фоизни ташкил этар эди. Бугунги кунда замонавий полимерлар тайёрлаш ҳисобига минерал ўғитлар улуши 10 фоизга қисқарди, бошқа соҳалар учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми 6 марта, товар маҳсулотлари ҳажми эса 4 карра ошиб, экспорт географияси кун сайин кенгаймоқда.”

чиқариш ҳажмини уч баробар ошириш билан бирга, замонавий мажмуалар 60 йил аввал қурилган эски қувватлар ўрнини тўлиқ эгаллади, — дея давом этади Ф. Самадов. — Хусусан, йилига 120 минг тонна поливинилхлорид ишлаб чиқариш қувватига эга лойиҳанинг II босқичи тўлиқ ишга туширилиши корхонамизда бу йўналишдаги қувватни йилига 100 минг тоннадан 220 минг тоннага, каустик содани эса 75 минг тоннадан 165 минг тоннага етказиш, электротехника, қурилиш материаллари саноати, машиний кимё ва бошқа соҳаларда талаб юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини берди.

Таъкидлаш жоиз, республикаимиз кимё саноати илгари, асосан, қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, унинг улуши тармоқда қарийб 80 фоизни ташкил этар эди. Бугунги кунда замонавий полимерлар тайёрлаш ҳисобига минерал ўғитлар улуши 10 фоизга қисқарди, бошқа соҳалар учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар

тубдан фарқ қилади. Яъни япон технологиясида, энг аввало, ишчи-мутахассисларнинг хавфсизлигига эътибор қаратилган.

Аммиак ва карбамид ишлаб чиқаришда минглаб даража иссиқлик ва юзлаб атмосфера босимидан фойдаланамиз. Эски технологияда бирор хавф ёки авария ҳолати туғилса, жараён бевосита мутахассис иштирокида тўхтатилар эди. Янги мажмуада эса бу автоматик тарзда амалга оширилади. Очиғи, эски технологияда юрак ҳовучлаб ишлардик. Олийгоҳлар битирувчилари битирув амалиётида шароитни кўриб, корхонага қайтиб келмасди. Бугун янги технология бўйича ҳар бир иш ўрнига беш-олти киши талабгор бўляпти.

ЮКСАЛИШ
ЙЎЛИ

Бугун мамлакатимиз кимё саноати маҳсулотларининг 70 дан ошмиқ тури, аммиак, карбамид ва селитранинг 50 фоизга яқини, ПВХ ва цианид натрий айнан “Navoiyazot” йўл-коммуникация тармоқларидан

жами ишлаб чиқариш ҳажми эса 8 фоиз ошишига эришилди. Экспорт ҳажми уч ярим, бюджетга тўловлар тўрт бараварга ортди. Корхонанинг нуфузи ошиб, шу йил 23 октябрь кунини “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлигининг халқаро кредит рейтингини қўлга киритди.

— Бугун ишга туширилган технологияларимиз туфайли Европа стандартларига тўлиқ жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқармоқдамиз, — дейди корхонанинг инвестиция ва лойиҳалар бошқармаси бошлиғи Рамил Гильванов. — Натижада Австрия, Венгрия, МДХ ва Осиёнинг бир қатор мамлакатларига маҳсулот экспорт қилмоқдамиз. Буларнинг ҳаммаси корхонамизда қўшимча қиймат яратиш, ҳисобимизда маблаг пайдо бўлиши, ишчилар билан вақтида ҳисоб-китоб қилиш имкониятини юзага келтирди.

Кимё саноати юксак интеллектуал таянадиган тармоқ. Жамоанинг интеллектуал салоҳияти ушбу соҳа равнақида хомашё ресурслари кўламиндан ҳам муҳимроқ. Мамлакатимиз Президенти навоийлик кимёгарлар олдига кимё технологик кластери, кимё технопарки, хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, маҳаллийлаштириш ва импортни қисқартириш, турдош кор-

жами ишлаб чиқариш ҳажми эса 8 фоиз ошишига эришилди. Экспорт ҳажми уч ярим, бюджетга тўловлар тўрт бараварга ортди. Корхонанинг нуфузи ошиб, шу йил 23 октябрь кунини “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлигининг халқаро кредит рейтингини қўлга киритди.

— Бугун ишга туширилган технологияларимиз туфайли Европа стандартларига тўлиқ жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқармоқдамиз, — дейди корхонанинг инвестиция ва лойиҳалар бошқармаси бошлиғи Рамил Гильванов. — Натижада Австрия, Венгрия, МДХ ва Осиёнинг бир қатор мамлакатларига маҳсулот экспорт қилмоқдамиз. Буларнинг ҳаммаси корхонамизда қўшимча қиймат яратиш, ҳисобимизда маблаг пайдо бўлиши, ишчилар билан вақтида ҳисоб-китоб қилиш имкониятини юзага келтирди.

Кимё саноати юксак интеллектуал таянадиган тармоқ. Жамоанинг интеллектуал салоҳияти ушбу соҳа равнақида хомашё ресурслари кўламиндан ҳам муҳимроқ. Мамлакатимиз Президенти навоийлик кимёгарлар олдига кимё технологик кластери, кимё технопарки, хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, маҳаллийлаштириш ва импортни қисқартириш, турдош кор-

ЭЛ-ЮРТ САЛОМАТЛИГИ — ЖАМИЯТНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ

Янги Ўзбекистонда халқ саломатлигини мустаҳкамлаш масаласига инсон қадри ва манфаатларини таъминлашнинг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни шу мақсадда кейинги йилларда соҳанинг моддий-техника базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда. Тизимга илгор даволаш ва диагностика усуллари, инновацион технологиялар кенг татбиқ этилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Президентимиз соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларига табригида таъкидлаганидек, эл-юрт саломатлиги — жамиятнинг бебаҳо бойлигидир. Тинчлик ва соғлиқ бўлган жойда, албатта, ўсиш ва ўзгариш, бахтли ва фаровон ҳаёт бўлади.

Нуктаи назар

Энг муҳими, мана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли бирламчи ва малакали tibbiy хизматлар аҳолининг кенг қатламларига кириб бормоқда. Бунинг тасдиғини ўтган йилнинг ўзида жойларда 22 та oilaviy поликлиника, 93 та oilaviy шифокор пункти ва 394 та маҳалла tibbiy пункти ташкил этилиб, бирламчи tibbiy хизматлар 2 миллион 100 минг нафардан зиёд аҳолига яқинлаштирилгани мисолда яққол кўриш мумкин.

Жонкуяр шифокорлар, юқори малакали tibbiyёт мутахассислари, ҳамшираларнинг машаққатли меҳнати туфайли юқори технологик жарроҳлик операциялари нафақат пойтахтимиз ва вилоятлар марказларида, балки туманларда ҳам муваффақиятли ўтказилаётир ва минглаб беморлар ўз дардига шифо топмоқда. Ваҳоланки, бундан бир неча йил олдин юртдошларимиз мураккаб бўлмаган операциялар учун ҳам хорижга қатнар, бунинг учун ортиқча вақт ва харажат талаб қилинاردди.

Миллий генофондимизни асраш йўлида

Албатта, саломатлик — энг улуг нёъмат. Хасталик тўшағида ётган одам эса ҳар ердан наҳот излаб қолади. Ана шу пайтда унга ёрдам қўлини қўйиш энг катта яхшилик, энг улкан савоблардан саналади. Шу маънода, янги Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини химоя қилиш, миллий генофондимизни асраш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга устувор вазифалардан бири сифатида қаралаётгани кувонарли ҳол. Чунки бу юртимиздаги ҳар бир oila, умуман, бутун жамиятнинг бахти ва келажаги билан боғлиқ гоят муҳим масалалар.

Давлатимиз раҳбари Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги ilмий-амалий tibbiyёт маркази ташкил этилганининг 50 йиллиги муносабати билан соҳа ходимларига йўлланган табригида таъкидлаганидек, ўтган йили тарихий аънаналарга эга бўлган учта муассаса неги-

зида мазкур марказ очилган эди. Натижада мамлакатимизда 9 миллион 200 минг нафардан зиёд туғиш ёшидаги аёлларга сифатли tibbiy хизмат кўрсатиш ҳамда ҳомила саломатлигини назорат қилиб боришнинг яхлит ва вертикал бошқариш тизими яратилди, такомиллаштирилган tibbiy профилактика ҳамда патронаж хизматлари йўлга қўйилди.

Бугунги кунда марказ ўз таркибиди 14 та ҳудудий филиал, 46 та туманлараро перинатал марказ, 170 дан ортиқ туғуруқ комплекслари ва 209 та “Аёллар маслаҳатхонаси”ни бirlaштиргани унинг улкан салоҳиятидан dalolat беради. Бу эса ана шу муассасалар ишини самарали мувофиқлаштириб, бирламчи тизимда патронаж хизматини сифатли йўлга қўйиш, ҳомилалар аёлларни скринингдан ўтказиб, уларнинг саломатлигини мунтазам таҳлил қилиб бориш, қисқача айтганда, хавфсиз оналикни таъминлаш имконини бермоқда.

Энг сўнгги технологиялар асосида

Шу ўринда tibbiyётнинг гематология ва онкология йўналишида жуда чуқур ўзгаришлар юз бераётганини таъкидлаш жоиз. Давлатимиз раҳбари 2021 йилда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология ilмий-амалий tibbiyёт марказининг эски биносини бориб кўрган, соҳада шароитларни яхшилаш бўйича топшириқлар берган эди. Кўп ўтмай, “Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

Соҳада даволаш самарадорлигини ошириш учун кўп ишлар қилинаётир. Хусусан, Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази алоҳида муассаса сифатида ажратилди. Онкология шифохоналар учун қўшимча 22 та нур терапияси ускунаси олиб келинди. Кимё терапияси воситаларига ажратилаётган маблағ 11 баробар ошарилиб, 13 миллион долларга ет-



казилди. 250 га яқин янги текшириш ва даволаш усуллари вилоят ҳамда туман даражасига туширилди.

Президент қарориди Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология ilмий-амалий tibbiyёт маркази учун янги мажмуа қурилиши ҳам белгиланган эди. Унинг лойиҳаси Жанубий Кореянинг шу соҳадаги клиниклари тажрибаси асосида ишлаб чиқилди. Уч йил давомида пухта иш олиб борилиб, Тошкент tibbiyёт академияси ёнидаги

си, булар аввал қўлланилганидан 8 — 16 баробар қучлилиги билан ажралиб туради.

Бундай замонавий техникаларни ишлатиш учун юзга яқин мутахассислар 8 та хорижий давлатда малака ошириб қайтиди. Жарроҳлик бўлимида йилига 6 мингга юқори технологик амалиёт ўтказиш имконияти мавжуд. Жумладан, жуда долзарб бўлган суяк кўмиги ўзақ ҳужайралари трансплантацияси йўлга қўйилди. Янги ускуналар ёрдамида кўз, ҳалқум ва қизилўнғач қисми ўсмаларини кесмасдан олиб ташлаш мумкин. Қовуқ ўсмалари каминвазив усулда бартараф этилмоқда. Буларнинг самарасида беморлар тезроқ тузалиб, 3 — 5 кунда уйига қайтиши мумкин.

Интенсив терапия бўлимида ҳар бир ётоқ ўрни юрак мониторлари, ўпкани сўнийи шамоллатиш мосламалари ва бошқа замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Нур билан даволаш учун илк бор ядровий tibbiyёт бўлими ишга туширилмоқда. Амбулатор кимё терапия 72 нафар бе-

“Мамлакатимизда сўнгги етти йилда соғлиқни сақлаш тизимига ажратилаётган маблағлар ҳажми 5,9 трлн. сўмдан 33,5 трлн. сўмга, яъни 6 баробар оширилди. Шифохоналар замонавий жиҳозланиб, янгилари барпо этилмоқда. Tibbiyётни халққа яқинлаштириш мақсадида жойларда скрининг текширувлари ўтказилмоқда.”

5 гектардан зиёд майдонда замонавий шифохона барпо этилди. Бу ерда шифокор ва беморлар учун барча керакли шароитлар инobatта олинган. Аввалги шифохона 370 ўринли бўлган бўлса, янги марказда 650 та стационар ва 80 та кундузги ўринлар ташкил этилди. Шунингдек, бир кунда 500 нафар беморнинг амбулатор шароитда даволашиш имконияти пайдо бўлди.

Марказда жаҳон стандартлари асосида 17 та янги клиник бўлим, 18 та жарроҳлик хонаси, 42 та реанимация ва интенсив терапия хоналари ташкил этилган. Улар дунё tibbiyётда қўлланилаётган энг сўнгги техникалар билан жиҳозланди. Масалан, “Siemens” компаниясининг “Magnetom Altea” русумли магнитли томографи сўнийи интелектдан фойдаланиб, иш жараёнини автоматлаштиради. “Fuji” компаниясининг “Senaria” компьютер томографи кам дозали нурланиш ва юқори сифатли тасвир билан бехато тахшиш қўяди. Шунингдек, 128 ва 256 ўлчамли мультиспирал томографлар жуда юпқа кесимларда энг кичик ўсмаларни ҳам аниқлаш имконини беради. Асосий-

морга мўлжалланган. Янги инфузomat ускуналари олиб келинган натижада бу даво осонлашади ва тезлашади.

Умуман, янги ускуналар ва шароитлар натижада марказда ўсма касалликларини эрта аниқлаш ҳамда даволаш самарадорлиги бир неча баробар ошди. Бу, даражасида, ўлим ҳолатларини камайтириш, инсонларни соғайтириб, умрини узайтиришга хизмат қилмоқда.

Таҳлиллар нимага кўрсатади?

Мамлакатимизда сўнгги етти йилда соғлиқни сақлаш тизимига ажратилаётган маблағлар ҳажми 5,9 трлн. сўмдан 33,5 трлн. сўмга, яъни 6 баробар оширилди. Шифохоналар замонавий жиҳозланиб, янгилари барпо этилмоқда. Tibbiyётни халққа яқинлаштириш мақсадида жойларда скрининг текширувлари ўтказилмоқда.

Аммо бу соҳада муаммолар йўқ, дегани эмас. Таҳлилларга кўра, аҳоли мурожаатларининг 30 фоизига бирламчи бўғинда ҳал бўляпти. Айрим касалликлар

бўйича даволаш услублари эскирган, ҳамшираларнинг иш доираси кенг эмас. Шунга қарамай қўрилган чоралар туфайли гипертония, юрак ишемик ва сурункали ўпка хасталиклари, бронхиял астма, қандли диабет, гепатит каби энг кўп учрайдиган 7 та касаллик гуруҳи бўйича даволаш стандартлари халқаро талаблар асосида янгиланди. Беморларга одатий текширувларни белгилаш, дорисиз даволаш каби вазифалар шифокордан ҳамширага ўтказилипти. Поликлиникаларда беморлар ҳаракати тартибга солиниб, шифокорлар қабулига навбат кутиш вақти камайтирилмоқда.

Tibbiy суғурта доирасида давлат томонидан аҳолига bepул кўрсатиладиган tibbiy хизматлар ва дори воситаларининг қафолатланган пакети жорий этилади. Беморларни ўзлари бириктирилган oilaviy шифокорлар орқали тор соҳа мутахассисларига ёки шифохоналарга йўллаш тизими ташкил қилинади. Бунда ушбу тартибга риоя қилинган ҳолдагина bepул tibbiy хизматлар кўрсатилади. Аҳолига қафолатланган пакет доирасида энг кўп учрайдиган касалликлар бўйича дори воситалари электрон рецeпт асосида дориxоналар орқали bepул берилади.

Эътироф этиш жоиз, мамлакатимизда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида tibbiyёт соҳасида ҳам улкан ўзгаришларни амалга ошириш режа қилинган. Жумладан, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигини 78 ёшга етказиш, бунинг учун tibbiyётга йўналтирилган маблағлар ҳажмини 2 баробар ошириш, онкология, юрак-қон томир, диабет ва нафас йўллари касалликлари бўйича эрта ўлимни 2,5 баробар камайтириш, Ўзбекистонни сил хасталигидан холи мамлакатга айлантириш устувор вазифа этиб белгиланган. Шунингдек, 350 минг нафар диабет ва 1 миллион 500 минг нафар юрак-қон томир касаллиги билан ogриган беморларни даволаш, tibbiy ёрдамга муҳтож аҳолининг 70 фоиз мурожаатларини бирламчи бўғиннинг ўзида ҳал этиш, беморларни гемодиализ ўриналири билан тўлиқ қамраб олиш бўйича ҳам амалий ишлар бошланган.

Албатта, бир мақола доирасида tibbiyёт соҳасида амалга оширилаётган кенг isлохотларни тўлиқ қамраб олиш имкони йўқ. Бироқ келтириб ўтилган фактларнинг ўзи ҳам юртимизда инсон саломатлигини асрашга қай даражада катта эътибор қаратилаётгани ҳақида тасаввур ҳосил қилишга етарли. Яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиш эса ҳар биримизга боглик.

Жасур РИЗАЕВ,
Самарқанд давлат tibbiyёт университети ректори,
tibbiyёт фанлари доктори,
профессор.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Амир Темур ҳақида битилган эски қўлёзма топилди

Тожикистонда сохибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ўзбек тилида битилган энг эски қўлёзма топилди.

Бу ҳақда Тожикистон миллий университети профессори, филология фанлари доктори Бадриддин Мақсудов маълум қилди.

Олимнинг айтишича, “Маноқиби Амир Темур сохибқирон” деб номланган ушбу китоб буюк бобокалонимиз ҳақида ёзилган ва шу пайтга қадар етиб келган туркий қўлёзмаларнинг ҳозирча энг қадимийси бўлиши мумкин.



Қанд касаллигини даволашнинг долзарб масалалари муҳокамаси

Пойтахтимизда академик Ё. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология ilмий-амалий tibbiyёт маркази томонидан “Тўрақулов ўқишлари” номли ilмий-амалий халқаро анжуман ташкил этилди.

Буюк Британия, Германия, Россия, Польша, Грузия, Туркия, Озарбайжон, Беларусь, Қозоғистон каби қатор давлатлардан етакчи олимлар, соҳа мутахассислари ва экспертлар қатнашган ушбу тадбирда эндокринология йўналишида фан ҳамда техниканинг энг сўнгги ютуқлари, соҳада олиб борилган янги тадқиқотлар натижалари, инновацион диагностика ҳамда даволаш усуллари, халқаро ҳамкорлики ривожлантириш, шунингдек, мавжуд муаммолар юзасидан фикр алмашилди.



Айрим тадбиркорларга тўланган солигининг бир қисми қайтариб берилади

Ҳукуматнинг тегишли қарори билан Умумий овқатланиш, туроператорлик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига бюджетга тўланган қўшилган қиймат солигининг бир қисмини қайтариш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик Низом тасдиқланди.

Низомга кўра 2024 йил 1 октябрдан бошлаб туроператорлик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига бюджетга тўланган солиқнинг 20 фоизи қайтарилари.

Маҳаллаларда хатлов бошланди

Адлия вазирлиги “Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги Қонун ижросини ташкил қилиш юзасидан матбуот анжумани ўтказди.



Таъкидлангандек, ушбу қонун шу йил 8 ноябрдан кучга кирди. Ҳозирда 2024-2025 йиллар учун тасдиқланган режа-жадвал асосида маҳаллаларда кадастр ходимлари томонидан хатлов ишлари бошланди. Кадастр агентлиги маълумотларига кўра жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида 901 та, 2025 йилда эса 2 980 та маҳаллада хатлов ўтказилади. 2026-2027 йилларда қолган маҳаллаларда режа-жадвал асосида хатлов ишлари олиб борилади.

«Халқ сўзи».

Реклама

«Ўзбекистон почтаси» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабарнома

ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

“Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2024 йил 5 декабрь кuni соат 11:00 да масофадан туриб электрон овоз бериш тизими www.evotc.uz орқали ўтказилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 09:00 дан 10:55 гача амалга оширилади. Умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестри 2024 йил 8 ноябрь ҳолатига ва умумий йиғилишда қатнашиш учун 2024 йил 29 ноябрь ҳолатига тузилади.

Жамиятнинг электрон почта манзили: info@pochta.uz

Йиғилиш кун тартиби:

- АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
- “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантириш тўғрисида” Низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида;
- АЖ Кузатув кенгашининг мустақил аъзосига тўланадиган асосий ва қўшим-

ча мукофот пуллари миқдорини белгилаш тўғрисида.

Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакиллариди эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишда қатнашиш ва кун тартибидаги масалалар бўйича масофадан туриб овоз бериш учун id.gov.uz да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишлари шарт. Электрон овоз бериш

www.evotc.uz веб-сайти орқали амалга оширилади.

Акциядорлар умумий йиғилиши бўйича маълумот ва ҳужжатлар билан “Ўзбекистон почтаси” АЖ бош офисида ушбу эълон берилган санадан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10:00 дан 17:00 гача ёки www.evotc.uz веб-сайти орқали танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон: 71-232-00-33.

«Ўзбекистон почтаси» АЖ Кузатув кенгаши.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 11 278 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юклай олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.



Тахриратга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 04.15 Топширилди — 05.00 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши